ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

# КАМЧИЛИКЛАРГА МУРОСАСИЗ БЎЛАЙЛИК

«Узбекхиммаш» заводи электроремонт цехи партия группаси ташкилотчиси Анатолий Овчаренкони биз қизил бурчакда учратдик. Яна бир неча минутдан сўнг бу ерда партия группасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бошланади. Группа ташкилотчиси хонани яна бир бор ўзи кўздан кечириб чиқаётган эди.

Қизил бурчак турли хил диаграммалар, плакатлар, паннолар билан жиҳозланган. Уларда цех коллективи эришаётган муваффақиятлар ўз ифодасини топган. Ҳурмат тахтасида таниш чеҳралар. Илғорлардан бири — электр монтажчи И. Неъматуллаев ҳозир йиллик маррани эгаллаш арафасида турибди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган Анатолий Овчаренко коллектив эришаётган муваффақиятларни алоҳида тилга олиб ўтди. Электроремонт цехи партия группасининг 16 аъзоси бор. Коммунистлар сони бутун цех коллективининг бешдан бир қисмига тенгдир. Улар кўпгина ватанпарварлик ташаббусларининг ижодкори бўлмоқдалар, иш суръати ва сифатини оширишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Коллектив ҳиссаси билан ўтган ойларда турбомашиналар тайёрлаш 63 тага кўпайди.

Материал ва хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича корхона бўйлаб ўтказилаётган кўрикда ҳам группа коммунистлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Ўтган ойларда корхона бўйича 500 минг киловатт-соат электр энергияси, 30 минг тонна шартли ёнилғи иқтисод қилинди. Бу ютуқда электроремонт цехи коллективининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар ўтган ойларда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, иқтисодий режимни кучайтиришга қаратилган 12 та рационализаторлик таклифини киритдилар. Бу таклифлар 3 минг сўмликдан ортиқ соф фойда берди.

Цехда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан конкрет мажбуриятлар қабул қилган. Уларнинг кўпчилиги ҳозир графикдан ўзиб ишламоқдалар. Илғорлар орасида В. Цуканов, И. Неъматуллаев, Н. Азизов каби коммунистларни кўриш мумкин.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида партия группаси интизомсизларга қарши қаттиқ кураш бошлади. Бу соҳада цех маъмуриятининг хўжалик фаолиятини назорат қилувчи комиссия партия группасига катта амалий ёрдам кўрсатди. Комиссияга актив коммунист С. Чернецкий раҳбарлик қилмоқда. Комиссия аъзолари назоратчилар билан ҳамкорликда хўжалик ишларини бир неча бор текшириб чиқдилар, кўз илғаган камчиликларни тугатиш юзасидан амалий чораларни кўрдилар.

Цех коммунистларининг аксарияти доимий ва мавсумий топшириқларга эгадир. Цех бошлиғи В. Попов комсомол-сиёсий маорифи тўгарагида машғулотлар ўтказса, электр монтажчи И. Неъматуллаев комсомол ташкилоти активлигини оширишга масъулдир. Ускуналар ремонти бўйича мастер С. Холмуротовни цех ишчилари халқ контроли группасига раис қилиб сайлашган. Жамоатчи коммунистлар ўз зиммаларига юкланган бу вазифаларни шараф билан бажармоқдалар. Цех ёшларидан кўпчилиги жамоат ва спорт ишларини жонлантиришда актив иштирок этмоқда. Бутун коллектив қатори цех комсомол ташкилоти ҳам завод бўйича ўтказилаётган социалистик мусобақада ҳамиша пешқадамлик қилиб келмоқда.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан коммунистлар эришилган ютуқларни муносиб баҳолаган ҳолда асосий эътиборни бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратдилар. Энг аввало ўтказилаётган партия йиғилишлари таъсирчанлигини ошириш зарур. Сир эмас, айрим йиғилишлар зерикарли бўлиб қоляпти, кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилишда коммунистлар актив иштирок этишмаяпти. Баъзан перспектив планда кўзда тутилган масалаларни муҳокама қилиш эътибордан четда қоляпти. Цех партбюроси секретари В. А. Терешченко группа ишини жонлантиришда суст қатнашаётган коммунистларни қаттиқ танқид қилди.

Цех бошлиғи В. С. Попов корхонани энергия билан таъминловчи эстакадани ўз вақтида қуриб туғаллаш зарурлигини алоҳида уқтирди. Бу объектда коммунистлар ҳам, партиясиз активлар ҳам ғайрат кўрсатиб ишлашлари керак. Цехларнинг энергия таъминоти кўп жиҳатдан корхона планларининг муваффақиятли бажарилишига ижобий таъсир ўтказади. Шундай экан яқин кунлар ичида эстакада қурилишини тезроқ туғаллаш, барча цехларни зарур миқдордаги энергия билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш керак.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтиришга қаратилган вазифалар алоҳида тилга олинди. Кўпгина коммунистлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишга эътиборсизлик билан қарайдилар, газета ва журналларга обуна бўлишда активлик кўрсатмайдилар, ўз фикр доираларини кенгайтириш устида изланмайдилар. Матбуот — ҳаёт ойнасидир. Ҳар бир коммунист кундалик янгиликлардан хабардор бўлиб бориши, партия сиёсатини омма онгига ва қалбига етказишда активлик кўрсатиши керак. Электр монтажчи И. Неъматуллаев йиғилишда шулар ҳақида гапирди.

Партия группаси йиғилишида қабул қилинган қарорда электроремонт цехи ишини янада яхшилаш, омма ўртасида олиб борилаётган ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтириш соҳасидаги вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилди. Ҳозир группа коммунистлари мана шу вазифаларни сўзсиз бажариш учун курашмоқдалар.

«Узбекхиммаш» заводи цехларидаги бошқа партия группаларида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари қизғин давом этмоқда. Корхона бўйича 24 та партия группаси фаолият кўрсатяпти. Группа йиғилишларида коммунистлар янги вазифаларни белгилаб олмоқдалар.

Ж. НОСИРОВ.

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан

ТОШКЕНТ ШАҲРИ РАЙОНЛАРИНИНГ ЮБИЛЕЙОЛДИ ЙЎҚЛАМАСИ

# ЛЕНИН РАЙОНИ

## ШОНЛИ АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

Район партия комитети юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича район ижроия комитети билан ҳамкорликда комплекс тадбирлар планини ишлаб чиққан. Район партия комитети пленумларида, партия активи йиғилишларида, бюро мажлисларида байрамга тайёргарликнинг бориши, белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётганлиги мунтазам муҳокама қилиб турилибди. Кўрилаётган тадбирий чоралар натижасида меҳнат коллективларининг юбилей олди социалистик мусобақаси яна ҳам кенгайди, беш йилликнинг учинчи йили топшириғини Тошкентнинг 2000 йиллигигача бажаришга отланган новаторлар сафи ўсди. Ҳозир 218 ишлаб чиқариш илғори юбилейгача йиллик планни бажариш юзасидан конкрет мажбурият қабул қилган.

Айни пайтда коммунистик меҳнат ҳаракатининг 25 йиллиги шарафига ҳам барча корхоналарда қизғин мусобақа кетяпти. Шонли сана шарафига 25 зарбдор ҳафта эълон қилинган. Ҳафталиклар давомида яна янги-янги ташаббуслар туғилмоқда.

Районимиздаги қарийб барча коллективлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш етти ойлик планини муддатидан олдин шараф билан адо этдилар. Қўшимча 4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсишнинг 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Тошкентнинг 2000 йиллиги шарафига бағишланган умумхалқ мусобақасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташхимсельмаш» заводи, биринчи авторемонт заводи каби илғор корхоналарнинг коллективлари пешқадамлик қилмоқдалар. Бинокорлар, транспортчилар ҳам юбилей шарафига олинган юксак мажбуриятларни барвақт бажаришга интилмоқдалар.

Кейинги йилларда районимиз ҳусн-жамоли жуда ҳам очилиб кетди. Кенг ва текис кўчалар бўйига тушаётган осмонўпар бинолар, ям-яшил хиёбонлар, янги-янги массивлар районимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Айниқса, уй-жой қурилиши кенг қулоч ёймоқда. Агар 1981 йилда умумий саҳни 22 минг квадрат метрли турар-жойлар қурилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 36 минг квадрат метрга етди. Бу йил район меҳнаткашларига 45 минг квадрат метр саҳнли кўркам уй-жойлар совға этилади. Бундан ташқари 1176 ўринли мактаб, боғча, савдо ва маиший хизмат корхоналари ҳам қуриб битказилмоқда.

Кейинги йилларда 140 тадан кўпроқ мавжуд объектлар капитал ремонтдан чиқарилди. 300 минг квадрат метрлик йўл ва тротуарлар асфальтланди, 10 га яқин кичик хиёбонлар бунёд этилди.

Ишлаб чиқариш объектлари қуриш, мавжудларининг қувватини ошириш соҳасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Тадбирлар бўйича юбилейгача 16 та йирик объект тўла қуриб битказилиши керак. Уларнинг кўпчилиги ҳозир битиш арафасида турибди. Қисқа вақт ичида химия фармацевтика заводи, чўтка фабрикаси, «Реле ва автоматика» заводининг ишлаб чиқариш корпуслари бунёд этилди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг газета корпуси қуриб битказилди, автомобиль йўллари институтининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Шу кунларда Қўйлиқ массивида яна бир туркум уй-жойлар қурилиши ниҳоясига етмоқда. Айни пайтда йирик кўчаларни бир-бирига туташтириш, метро станциялари қурилишини тезлаштириш чоралари ҳам кўриляпти.

Районимизни ободонлаштиришда ва кўкаламзорлаштиришда барча меҳнат коллективлари актив иштирок этмоқдалар. Фрунзе райони меҳнаткашлари ташаббуси билан бошланган зарбдор икки ойлик Ленин районида ҳам қизғин давом этмоқда. Теварак-атроф тартибга келтириляпти, ободонлаштириш ишлари кўлами кенгаяпти. Районда йирик корхоналар ва ташкилотлар кучи билан кўркам бекат қуриляпти. Бу бекатлар йўллар бўйига ҳусн бағишламоқда. Айниқса, шаҳримизнинг бош дарвозаси ҳисобланган вокзал олди майдонини ободонлаштиришга алоҳида эътибор бериляпти.

Ободонлаштириш ишларини намунали ташкил этиш мақсадида биз районни микро участкаларга бўлиб чиққанмиз. Ҳар бир участкага маълум корхона ва ташкилот бириктириб қўйилган. Улар ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига масъулдирлар. Бу тадбир Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишлаб тузилган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беряпти.

Районимиз бўйлаб мусобақа қулочи яна ҳам кенгаймоқда. Биз ҳар бир санани ёруғ юз билан кутиб олишга одатланганмиз. Бу шонли анъанадир. «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бригада бошлиғи Т. Шукурова, электрон-техника заводи синовчиси Н. Ф. Колякина, Октябрь революцияси номли тепловоз ремонт заводи слесари Т. Солиҳов, 8-қурилиш тресті бригада бошлиғи И. Юнусов каби илғорлар юбилейолди мусобақасининг олдинги сафларида келишяпти. Илғорлар йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт бермоқдалар. Улар намунаси иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беряпти. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми материаллари асосида ўтказилаётган суҳбатлар чоғида меҳнатга онгли муносабатда бўлаётган бундай илғор коммунистлар, партиясиз активлар тажрибаси кенг ёйилмоқда.

Х. МУҲИДДИНОВ,
район партия комитетининг иккинчи секретари.



● Ёш коммунист Наталья Лапшова «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонасининг илғор монтажчиларидан бири. У Уренгой — Помари — Ужгород газ қувури қурилиши учун тайёрланган электр шкафларини монтаж қилишда актив иштирок этди. Ҳозирги кунда Наталья 1984 йилнинг сўнгги ойи ҳисобига меҳнат қиляпти.

Суратда: монтажчи Н. Лапшова иш устида.

В. Сироткин фотоси.

## ЯШИЛ ЧИРОҚЛАР

Йирик шаҳарлар ва станцияларга кираверишдаги пўлат излар бўйига ўрнатилган яшил чироқларга кўзингиз тушгандир. Излар мустаҳкам, станциялар тайёр бўлса бу чироқлар куну тун порлаб тураверади.

Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан Тошкент томон ошиқаётган составлар йўлида ҳамиша яшил чироқлар ёниб туради. Коллективимиз пойтахт ва унинг атрофидаги станцияларни бир-бирига боғловчи 278 километрлик бош йўлни, 230 километрлик станция йўлларини ва 45 километрлик кириш йўлларини доимо намунали ҳолда сақлаб келаяпти.

Коллективимиз 37 та бригада, 21 та околодкага бирлашган. Улар ўртасида қизғин мусобақа кетаяпти. Иккинчи квартал якунлари бўйича йўл мастери коммунист Фозил Каримов бошлиқ участка, Аҳмаджон Иброҳимов раҳбарлигидаги бригада коллективлари ғолиб бўлдилар. Шахсий мусобақа ҳам яхши йўлга қўйилган. Коллективимиз йўллар ремонтини сифатли ўтказиш билан бирга қурилиш объектларида ҳам муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Бу объектларнинг кўпчилиги Тошкент юбилейи арафасида тўла қуриб битказилади.

Т. БЎРИЕВ,
Тошкент йўллар дистанцияси мастери, фахрий темирйўлчи.

## ТАКОМИЛЛАШГАН ПУРКАГИЧЛАР

Жонажон Тошкентимизнинг 2000 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган тайёргарлик давомида корхонамизда ажойиб янгилик туғилди. ОВХ-28 маркали янги конструкциядаги машинани оммавий усулда ишлаб чиқариш тўла йўлга қўйилди.

Маълумки, ғўзаларни дефолиация қилишда ОВХ-14 машиналари ниҳоятда қўл келарди. Самолётга нисбатан бу агрегат билан дори сепиш хўжаликларга бир неча бор арзон тушиши ҳаммага маълум. Машиналаримиз тежамкор бўлиш билан бирга ғўзаларни сифатли дефолиация қилади.

Машина билан дори сепиш кўламини кенгайтириш мақсадида биз Тошкентнинг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда ОВХ-28 агрегатини яратдик. Илгариги машинамиз бир йўла 14 метр ердаги ғўзани дефолиация қилган бўлса, янги машина 28 метр майдонга дефолиант сепиб ўтади.

Машинани биз турли зоналарда синовдан ўтказдик. Мутахассислар ҳам, пахтакорлар ҳам унинг ишидан мамнун бўлишди. Машина бир соат ичида 20 гектар ердаги ғўзани бемалол дефолиация қилади. Нархи ҳам унчалик баланд эмас. Колхозларга битта шундай машина 2 минг сўмга тушиши мумкин.

Ҳозирги кунда ОВХ-28 ва ОПХ-28 маркадаги машиналар пешма-пеш барча пахтакор республикаларга жўнатилмоқда. Ўтган ойлар давомида пландаги 2570 та ўрнига 2620 та машина ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари ғўзаларни корчовка қиладиган КВ-4, КВ-3,6 маркадаги машиналар ҳам кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган ойларда пахтакорларга 2448 та шундай агрегатлар юборилди.

Ғўзаларни дефолиация қилиш мавсуми яқинлашган сари ишчиларимиз суръатни оширмоқдалар. Йиғувчи слесарлардан Виктор Кариянов, Виктор Деменков, токарь Ўткир Худойқулов ва бошқалар топшириқни икки ҳиссага етказиб адо этмоқдалар. Бу илғорлар ҳозир келаси йил ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Биз эса машина қисмларини янада такомиллаштириш йўлларини излаяпмиз.

О. ПОГОСЯН,
«Ташхимсельмаш» заводи бош конструктори.

## МУҲИМ БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ

Бирлашмамиз коллективи ўтган йили Уренгой—Помари — Ужгород газ қувури қурилиши учун зарур бўлган буюртмаларни муддатидан олдин бажариш юзасидан ажойиб ташаббус билан чиққан эди. Ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб 1983 йил биринчи ярмида ишлаб чиқариш мўлжалланган буюртмаларни биринчи кварталдаёқ етказиб бериш, бу соҳадаги иккинчи ярим йиллик топшириғини эса 1 сентябргача адо этиш учун кураш бошладик. Ташаббусимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси томонидан маъқулланди.

Халқимизда сўз бердингми, уни бажар деган нақл бор. Биз ваъдага вафо қилиш мақсадида иш вақтидан омилкорлик билан фойдаланишга, суръатни оширишга ҳаракат қилдик. Бугунги кунда газ қувури бунёдкорлари олдида юзимиз ёруғ. 1983 йил учун белгиланган буюртмаларни муддатидан беш ой олдин — 1 августдаёқ тўла-тўкис адо этдик.

Газ қувури қурилишига 324 та электр шкафи юборилди. Уни 40 та компрессор станцияси ва газ қувури подстанцияларида қўллаш мумкин.

Мамлакат зарбдор қурилиши учун мўлжалланган буюртмаларни муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақада барча меҳнат коллективлари актив иштирок этдилар. Пировардида йиллик социалистик мажбурият муддатидан олдин адо этилди. Ўтган давр мобайнида планга қўшимча равишда салкам 2 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди.

Махсус буюртма бажарилган бўлсада, ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Шу кунларда бутун эътибор Тошкентнинг 2000 йиллигини янги меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга ва беш йилликнинг учинчи йилини барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунлашга қаратилгандир.

Т. ШУКУРОВА,
«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бригада бошлиғи.

## МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИ



● «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О. Х. ҚОДИРОВА.



● Октябрь революцияси номли тепловоз ремонт заводи слесари Т. СОЛИХОВ.



● Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бирлашмаси трамвай ҳайдовчиси Н. АБДУЛХАЕВА.



● «Главташкентстрой»га қарашли 8-қурилиш тресті бригада бошлиғи И. ЮНУСОВ.





Ленин районида шонли тарихни эслатиб турувчи ёдгорликлар талайгина. Уларнинг бири вокзалолди майдонида туркистонлик 14 комиссар хотирасига ўрнатилгандир (чапдаги сурат). Район меҳнаткашларининг турли хил оммавий-сиёсий тадбирлари шу монумент олдида ўтказилади. Ўнгдаги суратда эса Тошкентдаги энг йирик «Ўзбекистон» маиший хизмат уйини кўриб турибсиз.

В. Портнов фотолари.

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

□ Фақат Тошкентда эмас, бутун Туркистон ўлкасида революцион ҳаракатнинг маркази Бош темирйўл устахонаси, ҳозирги Меҳнат Қизил байроқ орденли Октябрь революцияси номли тепловоз ремонт заводи бўлган эди. Бу ерда 1903 йилда Ўрта Осиёда биринчи марта социал-демократик тўгарак тузилди.

□ Ҳозир Ленин райони саноат корхоналари, қурилиш транспорт ташкилотлари ва муассасаларида 301 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатяпти. Уларга 14 мингдан ортиқ коммунист бирлашган.

□ Район саноатчилари Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 12 процентини етказиб бермоқдалар. Ҳозир маҳсулотларнинг 183 тури давлат Сифат белгисига сазовор бўлган.

□ Тайёрланаётган маҳсулотлар фақатгина Иттифоқимизда эмас, чет элларда ҳам машҳурдир. Район саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 40 дан ортиқ чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

□ Районда 17 та саноат корхонаси бор. Улар етти ой давомида планга қўшимча 4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

□ Ўн биринчи беш йилликда ялпи маҳсулотда давлат Сифат белгиси олган буюмлар салмоғи қарийб 35 процентга етади. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми эса 40 процентга кўпаяди.

□ Райондаги учта олий ўқув юртида 9 мингга яқин, 4 та ўрта махсус ўқув юртида 8 мингдан кўпроқ, мактабларда эса 20 мингдан кўпроқ йигит-қиз таълим олмоқда.

□ 18 та маданият саройи, маданият уйи ва клуб, 26 та кутубхона, 3 маданият ва истироҳат боғи, 8 та ёзги ва қишки кинотеатр меҳнаткашлар ихтиёридадир.

□ Даволаш муассасаларида 2 мингдан ортиқ шифокор меҳнат қилмоқда. Улар орасида 7 фан кандидати, 6 республикада хизмат кўрсатган врач ва 122 олий категориядаги врач бор.

